



ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА АДЕКВАТЛИК ВА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ХУСУСИДА

С.Ю.Пулатова

Тер.ДУ

Аннотация: Мақолада таржима жараёнида адекватлик ва эквивалентлик тамойиллари ва улар ўртасидаги тофовутлар ва аслият матндан таржима матнга ўгиришдаги хусусиятлари назарий ва амалий нуқтаи назардан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: адекватлик ва эквивалентлик атамалари, формализм, оптимал таржима, ноадекват таржима, асл тил маъноси, тушунча, тофовут, аслият бирликлари, матн таржима, синоним, калька, манба тил.

Ҳозирги давр таржимашунослигида аслият бирликлари функциясини аниқлаш, қиёсий тадқиқ қилиш ва шу функцияни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлар соҳа олимларининг диққат-эътиборини тортиб, катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда ҳамда бадий таржиманинг мукамал бўлишида эквивалентлик асосий аҳамиятга эгами ёки адекватлик каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.[2]

Адекватлик ва эквивалентлик атамалари этимологик нуқтаи назардан бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар лотинча *aeque* – тенг, бир-хил, шунингдек шаклига бориб тақалади. Лекин таржима назариясида улар турли маъноларга эга бўлди.[1] Шу нуқтаи назардан, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ иккала тушунча ўртасидаги фарқни кўрсатиб ўтамыз:


1) Адекватлик деганда лот *adaequatus* – тўлиқ, айнан мос, мутаносиб, изчил, ҳақиқий ва бир хил маъноларини беради.

2) Эквивалентлик эса таржима қилинган матннинг асл матнга энг яқин мос келиши ёки бўлмасам лотинча *aequivalens* сўзидан олинган “тенг кучли”, “бир хил маънода” эканлигини билдиради.” [10]

Энди юқорида таъкидлаганимиздек, адекватлик ва эквивалентлик масалалари таржимашунос олимлар Федоров А.В., Комиссаров, Швейцер А.Д., ва бошқа кўплаб дунё миқёсидаги тилшунос олимлар диққат-эътиборида бўлган ҳамда шу масалалар бўйича илмий назариялар вужудга келган.

Жумладан, адекватлик деганда, тадқиқотчи Н.В.Шамова оптимал таржимага олиб борадиган йўл, оптимал таржима ечимини топиш йўлидир ва шунинг учун у эквивалент таржимага олиб келиши мумкин бўлган таржима жараёнидир,- деб фикр юритади.[8]

Шуни таъкидлаш ўринлики, олима “адекват таржима” XX асрнинг 60 йилларида тилшунос олимлар И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейг томонидан қўлланилганлигини таъкидлаб ўтади. Адекват таржима деганда улар “тўла ҳуқуқли таржима” ни тушунадилар, унинг ажралиб турадиган хусусиятлари –





манба матнининг мазмунини тўлиқ узатиш ва таркибини эквивалент воситалар орқали узатишдир. Ушбу мезонларга жавоб берадиган матн таржималари тўлиқ адекватли, яъни эквивалентли ҳисобланган.[8]

Шу нуқтаи назардан бу тушунчалар синоним деб топилди ва бу борада А. Шамова, таниқли олим, таржимон А.В. Федоровнинг ушбу тушунчалар бўйича қарашларидан келиб чиққан ҳолда, манба матн ва таржима қилинган матн ўртасидаги тофовутни кўриб чиқаётганда иккита тушунча “формализм” ва “адекватлик” мавжуд эканлигини ва адекватлик “тўлиқлик” деган маънони англатади, бироқ бу аслида эквивалентлик ҳисобланади, дея фикр билдиради. [8]

Формализм тушунчаси таржима соҳасида хорижий тил матнини сўзма-сўз тўғридан- тўғри узатиш ҳолатига нисбатан қўлланилган.

Федоровнинг фикрича,-дейди олима: “сўзма-сўз таржима ҳар доим асл нусханинг маъносини ёки таржима қилинган тилнинг тўғрилигини ёки иккаласини ҳам бузишга хизмат қилади. Формализм тушунчаси бу ҳолатда қўлланилиши ўринлидир, аммо у шаклнинг мазмундан ажралиш тушунчаси сифатида анча кенгроқдир ва шаклнинг маълум элементларини ўз-ўзидан, ташқарида етқазилган интилаётган барча ҳолатларга нисбатан қўлланилиши мумкин, яъни таржимон ўз вазифасидан ташқарида бутуннинг мазмунига ва шаклнинг бошқа элементларига эътибор бермайди, яъни шаклни мазмундан ажралган ҳолда ёки шаклнинг айрим элементларини бошқаларидан ажратилган ҳолда ва умуман мазмундан ажратилган ҳолда такрорлайди. Таржимада формализмнинг намоён бўлиши унинг стилистик функцияларидан қаътий назар –асл нусханинг фақат маълум хусусиятлари таъкидланганда, архаизмлар архаизм бўлиб, варваризмлар-варваризм бўлиб таржима қилинади.[7]

Бундан ташқари, таржимашунос тадқиқотчи Лопатиннинг фикрига кўра: “ ноадекват таржима кичик стилистик ноаниқликлардан тортиб жиддий хатоларгача –таржима қилинган матннинг маъносини бузишгача бўлган турли даражадаги муваффақиятсизликка эга.Таржимада энг кўп учрайдиган хатолар-бу калька -сўзма-сўз ва эркин таржима бўлиб, иккала ҳолат ҳам тарихан энг кенг тарқалган турлардир. Тўғридан-тўғри таржима” тушунчаси салбий маънога эга, чунки бу таржима, қоида тариқасида, асл тилнинг грамматик, лексик ва стилистик меъёрларини бузади.[4]

Буни мисолларда кўриб чиқамиз:

Сўзма-сўз таржима:инг: Winter palace-Қиш саройи

Инг:It's better to be safe than sorry.


Сўзма-сўз: Афсуслангандан кўра эҳтиёт бўлган яхшироқдир.

Ўзбекча аналог: Ўзини асрагани, Худо асрайди.Масалан:

-Айт қандай асрасин сендан одамлар,

Бедаво жабрингга борми бир малҳам?

-Фақат бир чора бу-хушёр қадамлар.





Ўзин асраггни асрар худо ҳам! [9]

Мақолларни таржима қилиш жараёнида улардан баъзи бирларига эквивалент топиш мушкул. Масалан: “A friend in court is better than a penny in purse”: “Судда туриб берган дўст ҳамёндаги бир тийиндан яхшироқ”: сўзма-сўз ўзбек тилига таржимаси: “суддаги дўст чўнтакдаги чақадан афзал”. Ушбу таржимада “penny” сўзи фақат инглизларга хос бўлиб пул муомаласида қўлланилади. Мақолни ўзбек тилига “Бойлик- бойлик эмас, бирлик бойликдир” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. [9]

“A friend’s eye is a good mirror” [3] сўзма-сўз ўзбек тилига таржимаси: “Дўстнинг нигоҳи яхши кўзгудир”. Ўзбек тилида: “Дўст ачитиб гапирар, душман – кулдириб”.


“Эркин таржима” да биз мақсадли тил меъёрларида номувофиқликни учратмаймиз, аммо асл матннинг маъносини ўзбошимчалик билан талқин қилиш ҳолатлари рўй бериши мумкин. Масалан: She was smiling. Унинг юзи ёрқин табассум билан тўлди, тўғри таржима: У табассум қилаётган эди.

Биобарин, таржиманинг адекватлиги деганда қоидага асосан таржиманинг “тўлиқлиги” ни назарда тутамиз, яъни кўплаб манба тилидаги матннинг таржима қилиниши керак бўлган тил матнига тўлиқ мос келишини тушунамиз. Таржиманинг адекватлиги таржима жараёнида асл тил шаклининг маъноси ва тўғрилигини сақлаб қолишдан иборат бўлади (Лопатин М.А.).

Бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик тамойиллари қуйидагилар билан чамбарчас боғлиқ:

- Тилнинг табиати қандай тушунилади;
- Манба ва мақсадли (аслият) тиллар ўртасидаги мунособатларнинг табиати;
- Маданий тофовутларга мунособат;
- Мақсадли аслият тилда эстетиканинг устунлиги. [11]

Шундай қилиб, адекватлик ва эквивалентлик бир-хил бўлмаган, лекин ўзаро боғлиқ ва ўзаро тобе категориялар бўлиб, эквивалентлик лексик таркиб ва асл нусха ва таржиманинг семантик тузилиши мослигини акс эттиради, бироқ бунда адекватлик тушунчасига киритилган калит семаларни, стилистик хусусиятларни ва прагматик таъсирни сақламасдан ва узатмасдан туриб эквивалентлик етарли критерия бўла олмайди, ва аксинча услуб ва прагматик вазиятга (прагматик) мувофиқлиги коммуникация мақсади ва прагматик вазиятга мувофиқлиги (адекватлик) коммуникация мақсади ва мзмунинини сақламасдан туриб (эквивалентлик) муҳим ва алмаштириб бўлмайдиган семантик йўқотишларга олиб келади. [5]





ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Валеева ,В.Г.К понятиям адекватности и эквивалентности в научном переводе//Вестник РУДН.-.-№1(3)-С.17-21.
2. Закирова Н.С.Бадий шеърий таржимада ғайрилисоний жиҳатларни сақлашда эквивалентлик ва адекватлик тамойиллари. //Илм сарчашмалари. 2021йил.,№10.,160-бет.
3. Кусковская С.Ф.Сборник английских пословиц и поговорок. - Мн.: Высш.шк.1987. -253 с.
4. Лопатин М.А. Проблема понятий адекватности и эквивалентности перевода // Гуманитарные научные исследования. 2016. № 2. 27-бет.
5. Мошкович В.В.Адекватность и эквивалентность как основополагающие критерии оценки качества перевода: Автореферат диссертации ... кандидата филологических наук: 10.02.20./Тюм. ГУ. -Тюмень 2014. -24 с.
6. Назарова Г.А.Инглиз тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг таржима масалалари// ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. -2021.- VOLUME 2 | ISSUE 5 |. -197-204 бетлар.
- 7.Федоров А.В.Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы): Учеб. пособие. М.: «Издательский Дом» -2002. -416с. С.170.
8. Шамова Н.Н.Разграничение понятий “эквивалентность” и “адекватность” в переводе // Вестник. - МГУ.Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2005.№2. С.171-179.
- 9.Ўлмасбек Самарқандий.Коронавирус билан суҳбат.2020.
10. https://ru.wikipedia.org/wiki/адекватное_эквивалентное.
- 11.Johanna Monty., Clara Montella. About adequacy, equivalency and transibility in human and mashine translation/ https://www.researchgate.net/publication/2688888331948.Conference_paper.2015.January.Conference:_New_horizons_in_translation_and_interpreting_studies._Malaga._P.23.